



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 75 (12.386)

Баҳоси эркин нарҳда



TOSHKENT
16-17 APRIL 2013

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анжуманда эллика яқин мамлакатдан қарийб 300 нафар олим, мутахассис ва эксперт қатнашмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбирлари хорижий меҳмонларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Сўз – халқаро конференция иштирокчиларига

НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР АСОСИДА БАРПО ЭТИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАР ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНING ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хуссейн Ҳасан ХУССАЙН, «Ал-Файсал» журнали бош муҳаррири (Саудия Арабистони):

Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Тасаввуримдаги билан бугунги кўрганларим ўртасида улкан фарқ бор. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги мени ҳайратга солди. Мамлакатингизда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ, ҳам-жиҳатликда ҳаёт кечираётганини кўриб ҳавасим келди. Мамлакатингизнинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси бетакрордир.

Тошкент вилоятининг Зангиота тумани «Обод турмуш» маҳалласида барпо этилган замонавий уй-жойларни кўриб, Президент Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатингизда қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳли учун қулайлиги бўйича шаҳарниқадан қолишмайдиган шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим. Айтиш жоизки, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган яқин кўламли ишлар бундай уй-жойлар қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади. Мамлакатингизда илғор архитектура услубида қурилган ана шундай замонавий уйлардан иборат, қишлоқ инфратузилмасини ҳосил қилувчи кўча ва йўллар, газ, электр, шунингдек, суғориш тармоқларига эга янги массивлар кўпайиб бораётгани таҳсинга лойиқ. Шинам, барча қулайликка эга бундай замонавий уйларни сотиб олиш учун фуқароларга имтиёзли кредитлар ажратиш механизми яратилгани ҳам Ўзбекистонда халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлардан. Имтиёзли кредит бўйича қарзни қоплаш даври 15 йил этиб белгилангани намунавий лойиҳа бўйича қурилаётган уй-жойларга аҳолининг қизиқишини янада оширишга, кам таъминланган оилаларнинг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларда бундай лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги тажрибасидан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олса арзийди.

Лау Лок КУЕН, «QAF Brunei» сармоявий ва консалтинг компанияси ижрочи директори (Бруней):

Мамлакатингизнинг қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уйларнинг банклар томонидан ажратиладиган кредит ҳисобига сотиб олиш имконияти яратилгани аҳоли учун жуда катта ёрдамдир. Фуқаролар учун уй-жой таъминоти масаласида яратилган бундай кенг қулайликлар дунё мамлакатларида жуда кам учрайди. Кўплай давлатларда кўпчилик аҳоли узоқ йиллар давомида ижара уйларда яшашига мажбур.

Ўзбекистонда қурилаётган уйларнинг лойиҳаси менда катта таассурот қолдирди. Улар мустақкам пойдевор устида кенг, ёруғ ва замонавий услубда қурилгани, барча маиший қулайликларга, машина учун гаражга, ер майдонига эга эканини, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланганини кўриб, Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат аҳолисининг фаровон ва гўзал ҳаёт кечириши учун барча имкониятларни ишга солаётганига тасаннолар айтдим. Ушбу ҳудудларда нафақат уйлар, балки кўплай супермаркетлар ва дўконлар қурилгани маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тошкент шаҳрини сайр қилиш, Мустақиллик майдонини, музей ва галереяларни томоша қилиш имконига эга бўлдим. Бу жараёнда Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги салоҳияти ҳам жуда юқори эканига ишонч ҳосил қилдим.

(Давоми 2-бетда)

Жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтмоқда.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшлар — келажакимиз

БИЛИМ ВА ИСТЕЪДОД КЎРИГИ

Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида танлов уюштирилди.

Унда Шайхонтоҳур туманидаги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган 30 ёшгача бўлган педагоглар гуруҳларга бўлинган ҳолда иштирок этдилар.

— Ушбу танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб-ушумаси қошидаги «Ёшлар кенгаши» ишларини янада ривожлантириш, педагогларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган ангилликлардан хабардор этиш ва улар ўртасида дўстона муносабатларни кучайтиришдан иборат, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб-ушумаси Шайхонтоҳур тумани кенгаши раиси Дилнора Ўлмасова. — Мазкур маҳорат кўриги ходимларнинг билимларини оширишга интилишга, изланишга ва ўз устидан астойдил ишлашга ундайди. Шу билан бирга педагог ходимлар орасидан энг иқтидорлиларини танлаш имкониятини беради.

Иштирокчилар, таништирув, савол-жавоб, «Меҳр ва мурувват кунда керак», уйга вазифа ва эркин мавзуларда ўзларининг малака ва маҳоратларини намойиш этдилар. «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида бадиий чиқишларини намойиш қилди-

лар. Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича саволларга қисқа ва лўнда жавоблар берилиши иштирокчиларнинг тезкорлигини, билимдон ва зукко эканликларини англатди.

Шунингдек, танлов қатнашчилари мактаб ҳаётида учраётган муаммоларни назорат қилиш, уларнинг ечимларини ҳам кўрсатиб бердилар.

Таълим соҳасида фаолият юритган, айни кунларда эса ёлғиз яшаётган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ҳаётига бағишлаб тайёрланган сахна кўринишлари «Меҳр ва мурувват кунда керак» мавзусидаги шарт орқали ишонар-

ли ва таъсирчан қилиб тасвирлаб берилди.

Танловда «Ўзбекистон ёшлари» жамоаси биринчи, «Шарқ гавҳари» иккинчи, «Нихол» жамоаси эса учинчи ўринларга сазовор бўлди.

Танлов ғолиблари Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб-ушумаси туман Кенгашининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: танловдан лавҳа
Ислам Исмоилов
олган сурат**

Фармон ва ижро

ҚУЛАЙЛИКЛАР ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШИШИДА МУҲИМ ОМИЛ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида тадбиркорлик субъектлари учун қатор имтиёزلар белгилангани мамлакатимиз ишлаб чиқариш салоҳиятини кучайтириш ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётди.

Мазкур Фармонга мувофиқ ишлаб чиқилиб, шу йил 4 январдан кўчга қирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари янада соддалаштирилди. Пойтахтимиздаги «Тошкент-аэро» иқтисослаштирилган божхона мажмуида ўтказилган семинар мазкур қонун ижросига бағишланди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар, ташқи фаолият иштирокчилари, жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимиз божхона тизимининг тобора такомиллаштирилаётгани иқтисодий ҳавфсизлиқни таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Божхона назорати ва расмийлаштируви билан боғлиқ жараёнлар бугунги кун талабларига мувофиқ ривожланиб бораётгани, қулайликлар ортиб бораётгани тадбиркорларга жуда қўл келмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан Божхона кодексининг «Божхона рас-

миёлаштируви мuddати» деб ном олган 76-моддаси янги тахрирда баён этилди. Унга қўра, товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви божхона декларацияси қабул қилинган ҳамда барча зарур ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган пайтдан бошлаб уч иш кунини ичида божхона органи томонидан амалга оширилади. Илгари бу мuddат уч кун бўлганини ҳисобга олсак, янги меъёрнинг аҳолига янада қулайлик яратгани ойдинлашади.

Божхона расмийлаштируви товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш мақсадида божхона органлари томонидан амалга оширилаётган операциялар мажмуидир. Бу жараён мuddатининг қисқартирилиши, қолаверса, уни масофадан амалга ошириш йўлга қўйилгани ташқи фаолият иштирокчиларининг вақтини ва харажатларини тежаш имконини беради.

Тадбирда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига мазкур қонун моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадбиркорларни қизиқтирган саволларга атрофликча жавоб қайтарилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири**

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **М.В. ЛОМОНОСОВ** номидаги Москва Давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида

«Ёшларнинг таълими ва тарбияси – обод турмуш пойдевори» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тадбир

«2011-2015 йилларда давлат божхона хизмати органларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш бўйича тадбирлар Дастури» доирасида амалга оширилаётган ишларга бағишланди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти республика бошқаруви биносига «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг ўрни ва роли» мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоий шаҳрида Давлат солиқ, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳам-корлигида «Солиқ билимлари – болаларга» мавзусидаги кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг солиқ соҳасига оид билимларини синовдан ўтказиш ҳамда янада мустақкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

• Қарши шаҳрида Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда воҳада фаолият кўрсатаётган 170 дан ортиқ корхона юзлаб турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди.

• Андижон шаҳрида «Майдон томошалари санъати» фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида фаолият кўрсатаётган дорбозлар жамоалари, анъанавий цирк санъати гуруҳлари, полвонлар, масҳарабоз ва кўғирчоқ санъати усталари иштирок этди.

• Самарқанд шаҳрида юртимиз бўйлаб давом этаётган «Биз – бир жамоа, биз – бир оиламиз» ижтимоий акцияси ўтказилди. Акция доирасида шаҳардаги олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида «Дилемма» баҳс-мунозаралар клуби машғулоти, чет тилларни ўрганиш бўйича семинар, ахборот технологиялари ва ёш тадбиркорлар мактаблари иштирокчилари лойиҳалари тақдими, симмуляцион компьютер ўйинларининг саралаш босқичлари, турли мавзулардаги учрашувлар ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Кипр маъмурлари ушбу орол давлат иқтисодиётига инвестициялар киритиши ҳисобига мамлакат фуқаролигини олиш учун даъвогарлик қилаётган шахсларга енгиллик яратишни режалаштиришмоқда. Бунда биринчи навбатда Никосия Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта жамғармаси талабига қўра депозитлардан катта маблағларни чегириб қолиш натижасида ўз омонатларини йўқотган хорижий шахсларга кўмаклашишни кўзда тутмоқда.

• АҚШнинг Невада штатидаги Карсон-Сити шаҳрида яшаган Вальтер Самашко исмли ёлғиз пенсионер вафотидан сўнг миллионерлар рўйхатидан жой олди. Гап шундаки, камтарона ҳаёт кечирган Самашконинг уйига келган ҳуқуқ-тартибот ходимлари гаражда ҳақиқий хазинага дуч келишди. Бу ерда умумий қиймати 7,5 миллион АҚШ доллари бўлган олтин тангалар яшириб қўйилган экан.

• Париждаги «De Beers» компаниясига қаршли заргарлик дўконларидан бири қуролланган жангарилар томонидан ўмариб кетилди. Бу ерга икки босқинчи тўппонча билан кириб, таҳдид солишган ва иккита витринадаги қимматбаҳо маҳсулотларни олишган. Ўмарилган заргарлик буюмларининг умумий қиймати 3 миллион еврога тенг, дея баҳоланди.

Танловлар

СОЛИҚ БИЛИМЛАРИ — БОЛАЛАРГА

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ вазирлиги, Халқ таълими қўмитаси ва Ўрта махсус, касб-хунарга таълими марказлари томонидан ўзаро ҳамкорликда ҳар йили аънавий тус олган ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш, хусусан, солиқ соҳасидаги билимларини кенгайтириш, солиқларнинг нима сабабдан жорий этилганини, уларнинг қандай мақсадларда ишлатилишини, республикада бозор муносабатларига асосланган жамиятни қуришда унинг ролини англаб етadиган, ҳар томонлама етук мутахассис бўла оладиган ёшларни тарбиялашга хизмат қиладиган «Солиқ билимлари — болаларга» кўрик-танловлари ўтказилмоқда.

Пойтахтимизда икки кун давомида маъмур кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Унда туман босқичининг ғолиб ўқувчилари ўз икдор ишлари билан қатнашдилар. Ўқувчи ёшларнинг икдор ишларини Давлат солиқ академияси, Тошкент шаҳар Давлат солиқ босқичи, Тошкент шаҳар Ҳалқ таълими бош босқичи ходимлари билан иборат нуфузли ҳайъат баҳоладилар.

Танловда умумтаълим мактабларининг 1-4-синфларида «Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири» номинацияси бўйича биринчи ўринни Мирзо Улуғбек туманидаги 256-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Ямина Худойберганова, 5-9-синфларида «Солиқ мавзусининг ҳикоятларида акс эттирилиши» номинацияси бўйича «Яккасарой» туманидаги 160-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Руслан Штирхун ҳамда академик лицей ва касб-хунарга коллежларида «Ўзбекистон Республикасида солиқ сийсати» мавзусида энг яхши иш ва «Солиқлар нимага тулғанади ва нималарга сарфланади» мавзусидаги компьютер тақдими номинациялари бўйича Тошкент солиқ коллежи ўқувчилари Абдорбек Раҳимов ва Элбек Холмуродовлар эгалладилар.

Танлов якунида ғолибларга ташкилотчилар томонидан дипломлар ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

«Солиқ билимлари — болаларга!» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.

(Ўз мухбиримиз)



(Давоми. Боши 1-бетда) Сўхкиндер Сингх ЖОҲАЛ, Қишлоқ ва саноати ривожлантириш тадқиқот марказининг лойиҳа раҳбари (Хиндистон); — Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Обод турмуш» маҳалласида бўлиб, Ўзбекистонда нафақат шаҳарларни, балки чекка худудларни ҳам ободонлаштириш, бундай жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш, инфратузилмани такомиллаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасидаги ишлар билан яқиндан танишдим. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда барча имкониятга эга ана шундай акка тартибдаги намунавий уйлارнинг 15 йил мuddат билан кредитта берилган тахсига сазовордир. Халқаро конференцияга турли мамлакатлардан келган экспертлар, соҳа мутахассислари уй-жой харид қилиш бўйича юртингизда фуқаролар учун яратилган имтиёзлар билан танишиб, ҳайратланмоқдам.

Масъуда Алам КҮРБОН хоним, Саудия Арабистони илмий ва академик доиралар вакили, Саудия Подшоҳи университети педагогика факультети вакили (Саудия Арабистони); — Маъмур халқаро конференция доирасида мамлакатингизнинг чекка қишлоқларида барпо этилган намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойларни бориб қуриш имконига эга бўлганимдан хурсандман. Бу уй-жойлар халқингизнинг миллий ҳаёт тарзи, мамлакатингизнинг табиий ва иқлим шароитига мос, намунавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда барпо этилаётди.

Хусусан, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида барпо этилган уй-жойлар билан танишиб, уй эгалари билан ҳам суҳбатлашиб имконига эга бўлдик. Қишлоқ аҳолисини янги уй-жой билан таъминлаш бўйича яратилган қулайликлардан аҳоли мамнун. Бу қувонч ва мамнулик уларнинг юзқўзида муассасам эди.

Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом маҳумини ҳам зиёрат қилдим. Бу ердаги ноёб обидалар менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистонда Президент Исрол Каримов раҳнабодлигида буюк аждодлар меросини тиклаш ва янада бойитишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, улуг аллома ва азиз авли-

НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА БАРПО ЭТИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАР ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

пишқ ва пухта яратилганига ишонч ҳосил қилдим. Лойиҳаларда оиладаги барча аъзоларнинг эҳтиёжи инобатга олинган. Ушбу янги массивда уй-жойлар билан биргача, болалар босқичи, тиббиёт пункти, маҳалла идораси барпо этилган. Хонадонлар газ, электр энергияси, ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган, минималроқ фаолияти йўлга қўйилган. Кенг, ёруғ ва файзли кўчалар, ҳовлиларда яшнаб турган турли дарахлар, гуллар баҳри дилингини очди. Мамлакатингиздаги ободлик ва фаровонликни ҳар бир хонадон мисолида қўриш мумкин. Масалга бундай атрофича ёндашув аҳолига кенг қулайликлар яратиши билан биргача худудларни комплекс ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Эндрю ХНГ, «Tiong Seng Contractors Pte Ltd» компанияси директори (Сингапур); — Ўзбекистонда Президент Исрол Каримов раҳнабодлигида амалга оширилаётган иқтисодий, ислохотлар (самарасида аҳоли фаровонлиги йилдан йилга юксалиб бормоқда. Бевоқифа ўзим кўрган жойлардан олган таассуротларим бунинг далилидир. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани улкан ютуқдир. Янги уйлар замонавий лойиҳалар асосида барпо этилаётгани, айниқса, аёллар меҳнатини енгиллаштиришга қаратилгани билан алоҳида эътиборга лойиқ. Дунё кезиб, кўплаб мамлакатларда турли соҳаларда амалга оширилаётган дастурлар билан танишман. Лекин бундай катта кўлам ва ҳажмдаги лойиҳани ҳеч қайси давлатда кўрмаган эдим. Қишлоқ аҳолисига бундай қулай шароитлар яратилгани шайх ва қишлоқ ўртасидаги чегараларни бартафъ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Александр Сефре ЗАНД, «Sefre Architects Research Group» компанияси бош ижрочи директори, Буюк



Оттабек Мирзоаъзов (ЎзА) олган суратлар Британия архитекторлари Қироллик институти аъзоси (Буюк Британия); — Халқаро конференция доирасида Зангиота туманидаги «Обод турмуш» маҳалласида бунёд этилган уй-жойларда яратилган шарт-шароитлар билан танишдик. Касбим архитектор бўлгани учун уй-жой ва инфратузилма объектлари лойиҳаси, хонадоннинг жойлашуви ва кенглиги, деворларнинг баландлиги эътиборимни тортди. Яшаш учун катта қулайлик ва имкониятлар муҳайё этилган. Яна бир муҳим жиҳат: бу уйлар узок мuddатли, имтиёзли ипотека кредити асосида берилган дегандир. Нарҳи ҳам арзон.

Ахмад Асрий Абдул ҲАМИД, Саноат

қурилишни ривожлантириш кенгаши бош менежери (Малайзия);

— Ўзбекистон барча соҳани уйғун ривожлантириш борасида улкан ютуқларни кўлга киритмоқда. Буни иктимой соҳа, жумладан, қишлоқ аҳолиси ҳаёти сифатини яхшилаш ва фаровонлигини оширишга қаратилган катта эътибор мисолида ҳам кўриш мумкин. Тошкент вилоятининг Покент туманидаги «Дўстлик» массивида барпо этилган янги уйлари бориб кўрганымизда шунга ишонч ҳосил қилдик. Қишлоқ аҳолисининг барча қулайликка эга замонавий уйларида истиқомат қилаётгани қувонarli хол. Хонадонлар мамлакатингизда маҳаллий хом ашёдан тайёрланган мебель ва машина техника билан жиҳозланган. Бу Ўзбекистон барча соҳада анча илграллик кетганини аёқол намўни этади.

Лютгарт ДУСАР, «Living Stone» маркази лойиҳа менежери (Бельгия); — Пскент туманидаги «Дўстлик» массивида барпо этилган замонавий уйлар менда унутилмас таассурот қолдирди. Бойси, замонавий инфратузилмани ривожлантириш ва таъмирлаш бўйича мутахассис сифатида кўплаб мамлакатларда бўлганман, ammo ҳеч қайси давлатда бу масалга Ўзбекистондаги каби ҳар томонлама чуқур ёндашилмайди. Мамлакатингизда қишлоқ массивларида замонавий уй-жойлар барпо этилиши билан биргача таълим, тиббиёт, спорт объектлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани менда ҳавас уйғотди. Маъмур массивда ташкил этилган мини-банк аҳолига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун минимал фойз ставкалари бўйича кредитлар бераётгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА, Сайёра ШОЕВА, Мехрибон МАМЕТОВА, Холмурод САЛИМОВ ёзиб олди

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий ноозик-овқат истеъмол товарларининг кўرғазма-ярмаркалари бўлиб ўтмоқда.

Улар истеъмол бозорини юртимизда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли, рақобатбардosh истеъмол товарлари билан тўлдириш мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистонда халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш жадал суръатда ривожланмоқда. Енгил, электртехника саноати, пойабзал ва чарм-галантерей буюмлари, мебель ишлаб чиқариши ва бошқа соҳаларда юқори натижалар кўлга киритилмоқда. Инвестицияларини жалб қилиш, улар асосида экспортга йўналтирилган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги корхоналарни ташкил қилиш мамлакатимизда ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришини бир баробарга ошириш имконини берди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурлари бу борда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ўзбекнефтсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж корхоналари 2012 йилда кийимати 1,7 триллион сўмликдан ортқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Тайёрланган 160 турдаги товарнинг 100 хили янги маҳсулотлардир. Бунинг натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган эркаклар, аёллар ва болалар учун сифатли кийимлар, пайпоқ маҳсулотлари кўпаймоқда.

«Ўзбекчармпоёбазли» уюшмасининг чарм пойабзаллар ишлаб чиқарадиган корхоналари истеъмолчиларга кенг турдаги маҳсулотларни тақлиф этмоқда. Сўнгги йилларда улар томонидан юзлаб моделдаги пойабзал ва чарм-галантерей буюмлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, маҳаллийлаштириш ҳажми тобора кенгайиб бормоқда. Бу корхоналарда пойабзал тағчармлари, кеда, кроссовка, илгари четдан олиб келинган металл учли ва патакли махсус оёқ кийимлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чарм-галантерей буюмлари — аёллар сумкаси, татами, кураш гиламлари, баскетбол, футбол, гандбол турлари ва бошқа спорт инвентарлари ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортди.

Таъкидлаш кераки, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган стол-стуллар, диван, кресло, кроват, шафқ каби кўплаб мебель маҳсулотларига аҳоли томонидан талаб ошиб бормоқда.Zero, чиройли ва қулай мебель ҳар қандай уй ҳамда офисга ўзига хос шинамлик бағишлади.

Бугун Марказий Осиё минтақасида мебель ишлаб чиқарувчи йирик корхона — «Файз-холдинг» қўшма корхонаси ҳам кенг турдаги маҳсулотларни тақлиф этаётди. Бу ерда хилма-хил ётоқхона, меҳмонхона, болалар хоналари ва бошқа хоналар учун жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда компания ишлаб чиқариш корхоналарида уй, офис,

ўқув муассасалари учун юздан ортқ турдаги мебель тайёрланмоқда.

«Ўзлехта» уюшмасининг машиий техника ишлаб чиқариш корхоналари ҳам хилма-хил маҳсулотларни тақлиф этмоқда. Бозорда маъмур маҳсулотларни кредитга ҳам сотиб олиш мумкин. Кондиционер, чанпоттич, газ плиталари, кир ювиш машиналари, микротўқилки ва электр минипечлар, смартфон ва уяли телефонлар, бошқа электртехника маҳсулотлари замонавий талаблар ҳамда халқаро сифат стандартларига мос равишда ишлаб чиқарилаётди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг фикрича, хом ашё, малакали меҳнат ресурслари, ривожланган коммуникация тармоғи, худудларда сотиш бозорларининг мавжудлиги ва энг муҳими, давлат томонидан тақдим этилаётган имтиёз ҳамда преференциялар мамлакатимизда замонавий ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга маблағ сарфлашни рағбатлантирмоқда. Натижада, бугун мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотларини ички бозорига етказиб бериш билан бир қаторда хорижда ҳам намойиш этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2012 йил 12 декабрда қабул қилинган мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ноозик-овқат истеъмол товарлар ярмарка-

савдосини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида мамлакатимиз бўйлаб ташкил қилинаётган кўрғазма-ярмаркалар бунинг учун қулай имконият яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда бу тадбирларни, айниқса, қишлоқ жойларда мунтазам ўтказиш бўйича комплекс чораларни кўрмоқда.

Ярмаркаларни ўтказиш учун махсус ташкилий кўмита тузилди. Кўрғазма-ярмаркалар мамлакатимизнинг рақобатбардosh ноозик-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш маъмуриятининг асосий вазифалари сирасига киради. Харидориги товарлар аниқланиб, шу асосда уларни ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кўпайтириш, дизайни ҳамда сифатини яхшилашга оид тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Наманган вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида бундай кўрғазма-ярмаркалар бўлиб ўтди. Уларда ноозик-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариётган 400 дан ортқ корхона иштирок этди, 4,5 минг киши бу ярмаркаларни бориб кўрди. Яқин вақт ичида кўрғазма-ярмаркалар Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятларида, шунингдек, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг шаҳар босқичи доирасида пойтахтимизда бўлиб ўтади.

Савдо-саноат палатасидан маълум қилишларича, ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли, рақобатбардosh товарлар билан тўлдириш имконини беради. Бу, айниқса, жаҳон экспорт бозорларида истеъмол даражаси паясий бораётган шароитда жуда муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашув халқимиз фаровонлигини юксалтириш ва аҳолига мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларни арзон нарҳларда тақдим этиш имкониятини кенгайтириш ҳисобидан ички талабни рағбатлантиришга кўмаклашди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда бундай кўрғазма-ярмаркаларнинг ўтказилиши ҳар бир юрtdошимизга ўзи учун зарур машиий техника ва тайёр тўқимачилик маҳсулотларини топиш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасида ишбилармонлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодиётимизнинг барча жабҳасини самарали ривожлантириш имконини беради.

Мехрибон МАМЕТОВА, ЎзА мухбири

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДАГИ ҲАМКОРЛИК

Тошкент шаҳридаги Юнусобод дизайн касб-хунарга коллежида туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон Бадий академияси мутасаддилари иштирокида ўқувчилар ва ота-оналар билан учрашув ташкил этилди. Мулоқот мавзуси коллеж битирувчиларини ўз йўналиши доирасида ишга жойлаштириш ва олий ўқув юртига йўналтириш масалаларига бағишланди.

Йиғилишда Юнусобод тумани ҳокими Ш.Азимжонов мамлакатимизда коллеж ўқувчиларининг билим ва хунарга эгаллаши учун катта имкониятлар яратилгани, шунинг учун ёшлар бу шарт-шароитлардан умумий фойдаланиши лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Коллеж маъмурияти ҳам битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича ота-оналарга зарур маълумотларни бериб, собиқ ўқувчиларининг бандлигини таъминлашга кўмаклашиши зарурлигини таъкидлади.

— Ҳар бир инсон фарзанд тарбиялаётган экан, Фуқаролик кодексининг 47-моддасига асосан бу фарзанд вояга етгунча зиммасида жавобгарлиқни ҳис қилиши керак, — деди Ш.Азимжонов. — Ўғил-қизларимизнинг юртимиз келажиги учун фойда келтирадиган, жамият тарақиётига ҳисса қўшадиган инсон бўлиб етишишида устозлар, ота-оналар, маҳалла-кўй — барчамиз бирдек масъулдирмиз. Шундай экан, биз фарзандларимизни ҳар доим назорат қилиб туришимиз, уларнинг ўз қизиқиши ва иқтидорини инобатга олиб, маълум касбни танилаши, уни мукамал эгаллаши учун ҳар томонлама ёрдам беришимиз керак. Давлатимиз ёшларнинг билим олиши ва келажакда яхши мутахассис бўлиб етишиши учун барча шароитларни яратиб берган. Яратилган имкониятлардан кенг фойдаланиб, билдирилган ишончни оқлаш учун ўқувчилар келажакда ўз соҳасида ишлаши, ўз касбининг устаси бўлиб етишиши керак. Обод турмуш йилида республикаимизда 17000 дан ошқ янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган, шу мақсадда йирик лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

— Касб-хунарга коллежга ўқишга кирган ўқувчи шу соҳага ўзида иқтидор борлиги, келажакда танлаган касбида ишлаб олиши, ўз меҳнат фаолиятида соҳа ривожига ҳисса қўшиши кераклиги ҳақида ўйлаши керак, — деди Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нур. — Маълум касбга йўналтирилган ота-она ўз фарзандининг кўнглига, қобилиятига эътибор бериши лозим. 3 йил коллежда таҳсил олган ўқувчи келажакда ким бўлиши, қайси соҳада фаолият кўрсатишини аниқ билиши, ўз йўналишини олдиндан аниқ танлаб олган бўлиши керак. Ўзбекистоннинг келажиги бугунги ёшлар қўлида. Жамиятимизга иқтидорли, кенг салоҳиятли, чет тилларни яхши биладиган, ўз фикрига эга бўлган кадрлар керак. Уларни тарбиялаш ва етказиб беришда ўқитувчилар ва ота-оналар ҳамкорлиги айниқса муҳимдир.

Юнусобод дизайн касб-хунарга коллежида бугунги кунда 46 нафар олий маълумотли ўқитувчилар, 12 та ўриндошлик асосида иш юритувчи педагог-кадрлар, 4 нафар ишлаб чиқариш амалиёти усталари фаолият кўрсатмоқда. Жамоага тажрибали, ташкилотчи раҳбар Барно Саитова бошчилик қилиб келмоқда. Ҳозирда коллежда 969 нафар ўқувчи лойиҳаловчи-дизайнер, модельер-конструктор, ландшафт дизайни, сартарошлик ва косметика ҳамда ошлапчиқ йўналишларида таълим олмоқда. Ўтган ўқув йилида 47 нафар ўқувчи коллежини тамомлаб, олий ўқув юртига ва мустақил меҳнат фаолиятига йўналтирилди. Жорий йил анги ташкил этилган гуруҳлар ва йўналишлар ҳисобига ўтган йилдагидан кўп, яъни 263 нафар ўқувчи коллежини тамомлайди. Уларнинг аксарияти архитектура, дизайн ва расомлик бўйича олий ўқув юртига кириб ўқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган.

Бугунги кунда коллеж жамоаси, ота-оналар билан биргаллик кенг жамоатчилик кўмагида битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, бу борда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ота-оналар ва ўқувчилар орасида тарғибот тадбирлари уюштириш бўйича кенг фаолият олиб бормоқда.

Йиғилишда коллеж битирувчиларини уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштириш масаласи, ёшларни касбга йўналтиришда ота-она масъулияти, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш омиллари бўйича фикр алмашилди.

Манзура БЕКЧОНОВА, «Туркистон-пресс»

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирди. Ушбу Қонун, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида сўзлаб беришни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи полковник Холматжон Аҳмедович САЙДАЛИЕВдан илтимос қилдик.

— Биз XXI асрда яшаёмиз. Бу техника ва технологиялар асри. Шунга монанд мамлакатимизнинг ҳар бир соҳаси жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Жумладан, асосий вазифалардан бири ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида ҳам кўплаб ўзгаришлар, соҳага тааллуқли ангилликлар жорий этилмоқда. Чунки, мамлакатимизда автомобиллар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу эса ҳаракатли хавфсизлигини таъминлаш ишларини кун тартибидagi асосий масалалар қаторига олиб чиқмоқда.

Мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли қонун ҳужжатлари, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги № 818-1-сонли «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги, «Шаҳар йўловчи транспорти тўғрисида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2003 йил 4 ноябрдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари амалда мавжудлигига қарамадан, бугунги кунда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда айрим муаммолар юзага келмоқда ва уларнинг қонун даражасида мақбул ечимларини топиш давр талабига айланмоқда.

Амалдаги Қонун қарийб ўн уч йил олдин қабул қилинган эди. Утган бу йиллар мобайнида мустақиллигимиз шарофати билан кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Шунга кўра бу муҳим Қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага келди.

Қонун Ўзбекистон Республикасида, шунингдек, бошқа давлатларда йўл ҳаракати соҳасида эришилган иш тажрибаларини умумлаштириш асосида тайёрланди.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масалалари давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, уларнинг ҳал этилишида давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви идоралари, жамоат ташкилотлари, барча турдаги юридик шахслар ва жисмоний шахслар бирдек манфаатдор бўлишлари ҳамда иштирок этишлари зарур.

Шу нуқтаи назардан, мазкур қонун фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мулкни муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, автомобилларда ташиш сифати ва хавфсизлигини янада ошириш мақсадида тайёрланган бўлиб, у ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принципларини, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлашнинг зарурий ва мақсадли йўналишларини белгилайди, транспорт воситалари ва уларнинг жиҳозлари, автомобиль йўлларининг техник ҳолатига бўлган талабларни янада аниқлаштиради.

Қонунга Ўзбекистон Республикасида қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятидаги амалиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда, «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари» деб номланган янги модда киритилди. Ушбу моддада бинаоан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари сифатида: фуқаролар ҳаёти ва соғлиги муҳофазасининг, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, агароф-муҳит ҳимоясининг, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларнинг устуворлиги, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятнинг тизимлилиги қабилаб киритилди.

Қонунда мутасадди органларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ваколатлари ҳам аниқлаштирилди. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Махсус ваколатли давлат органларига Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати кирди.

Шу ўринда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бу ваколатлар Қонуннинг 10-моддасида белгилаб берилган. Унга кўра ДИХХХ йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ушбу Қонунга, йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қисмига риоя этиши устидан назорат олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Кўриб турганингиздек, санаб ўтилган ваколатларнинг барчаси мамлакатимиз автомобиль йўлларида ҳаракатли хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Маълумки, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини амалга оширишда жамоатчиликнинг роли жуда муҳимдир. Шу боис Қонун «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишдаги иштироки» деб номланган янги модда билан тўлдирилди. Унга кўра, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларга ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш доирасида норматив ҳужжатларни такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ташкилий тадбирларни ўтказиш юзасидан

Долзарб мавзу

МАҚСАД — ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



давлат ҳокимияти маҳаллий органларига, ваколатли давлат идораларига тақлиф киритиш ҳуқуқлари берилди.

Авалги Қонуннинг бир қатор моддалари, жумладан, автомобиль йўллари ривожланишининг барча босқичларида уларнинг ҳолатига қўйиладиган талабларга тегишли моддалар (лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаб туриш) қайта ишлаб чиқилди. Қонун ҳаракат иштирокчиларининг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлларни сервис объектилари билан жиҳозлаш талабларини кўзда тутувчи «Йўлларда сервис объектиларини қуриш» деб номланган модда билан тўлдирилди.

Қонунда шунингдек, транспорт воситаларини, уларнинг конструкцияларини ва таркибий қисмларини, қўшимча жиҳозлаш предметларини, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи қисмларни мажбурий ва қайта сертификатлаш, декларация қилиш шартларига ҳам аниқлик киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда фақат 50 та ва ундан ортиқ ҳаракат таркиби мавжуд бўлган автоҳўжаликлар учун хавфсизлик бўйича муҳандис вазифаси кўзда тутилган. Кўп сонли ҳаракат таркибига эга бўлган йирик автокорхоналар учун эса меъёрлар мавжуд эмас эди. Шу сабабли қонунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутасаддиларнинг сонини ҳаракат таркиби сонига қараб жорий этиш белгилаб қўйилди.

Фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг ходимларини йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича ўқитиш, малакасини ошириш, йўриқнома бериш ва уларнинг билимини синаш масалалари, иш бериувчининг масъулиятини ошириш бўйича ваколатлари ва мажбуриятларини аниқ белгилаш мақсадида «Фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг ходимларини ўқитиш, мазкур ходимлар малакасини ошириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва уларнинг билимларини текшириш» деб номланган модда киритилди. Унга кўра, ходимларни йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича ўқитиш, малакасини ошириш, йўриқнома бериш ва уларнинг билимини синаш иш бериувчи томонидан ўз маблаглари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Раҳбар ходимлар ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар шахслар мунтазам равишда, камидан ҳар уч йилда бир марта ўз малакаларини тасдиқлаган махсус дастурлар асосида ошириб, малака имтиҳонини топишилари зарурлиги аниқ ва равшан белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, автотранспорт воситалари ҳайдовчилари ва бошқа ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам қонунда алоҳида эътибор қаратилиб, «Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчиларнинг ҳуқуқлари» деб номланган модда киритилди. Ушбу моддага кўра эндиликда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчилар иш бериувчидан ҳаракат йўналиши, ташиладиган юк, ўз ҳаёти ва соғлигига нисбатан мавжуд бўлган таҳдид тўғрисида, шунингдек, ташишни амалга ошириш чоғида зарарли ва

хавфли омиллар таъсиридан ўзининг ҳимоя қилинишига доир чора-тадбирлар ҳақида ахборот олиш, меҳнат вазифаларини бажариш чоғида ўз соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва бошқа бир қатор ҳуқуқларга эга бўлдилар.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати, бу — «Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш» деган моддасидир. Ушбу моддада йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш ҳайдовчиларни мажбурий равишда дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, айниқса тиббиёт ходимлари этиб келгунга қадар ёрдам кўрсатиш усуллари вақти-вақти билан ўргатиш орқали амалга оширилиши белгилаб берилган. Бу модданинг муҳим томони шундаки, ҳар бир ҳаракат иштирокчисининг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича муайян малакага эга бўлиши талаб этилади. Чунки, аксарият ҳолларда йўл-транспорт ҳодисасида жабр кўрганларга кўрсатиладиган дастлабки тиббий ёрдамнинг қай даражада малакали амалга оширилиши жабрланувчининг ҳаётини асраб қолишда муҳим ўрин тутди. Биз тажрибада бу каби ҳолатларнинг гувоҳи бўлганмиз.

Қонуннинг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш» деб номланган моддасига ҳам қўшимча киритилди. Унга кўра йўл ҳаракатининг ташкил этилишини йўлларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш ёки бошқа мақсадлар учун йўл ҳаракати хавфсизлиги даражасини пасайтириш ҳисобида ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бу қўшимча ҳам мамлакатимизда ҳаракатли хавфсизлиги масалаларига жуда катта эътибор қаратилаётганининг ёрқин далилидир.

Қабул қилинган Қонуннинг «Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган моддаси ҳам йўл ҳаракати иштирокчиларига қўшимча ҳуқуқ бериувчи, яъни ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича, жумладан, йўл белгиларини, йўл чизиклари, йўлчи роқларни ўрнатиш ва алмаштириш масалаларида, йўлларнинг қопламаси ҳолати ва бошқалар бўйича тегишли органларга мурожаат этиш ҳуқуқлари билан тўлдирилди.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудда йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳолатини баҳоловчи асосий кўрсаткичлар ҳисобини юритиш талаб этилмоқда. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонун талаблари доирасида «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолатининг асосий кўрсаткичларини шакллантириш, ҳисобини юритиш ва улардан фойдаланиш» деб номланган янги модда киритилди. Бу ишларни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Техник мувофиқлаштириш тўғрисида»ги ва «Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурталаш тўғрисида»ги Қонунлари талабларига мувофиқ Қонуннинг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Маълумки, мамлакатимизда йўловчи ташувчи транспортлар фаолиятини тартибга солиш, улар фаолиятини доимий назорат қилиб бориш масалаларига доимо катта эътибор қаратиб келинган. Шу боисдан ҳам Қонуннинг «Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи» деб номланган моддасида қайси турдаги транспорт воситаларини қайси ёшдан бошлаб бошқаришга рўхсат берилиши аниқ белгилаб берилди. Жумладан, ушбу моддага кўра такси тартибидеда фойдаланиладиган автомобилларни, шунингдек, йўловчилар ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчининг ўринидиган ташқари саккизтадан ортиқ ўриндиги бўлган автомобилларни, трамвайлар ва троллейбусларни бошқариш ҳуқуқи йигирма бир ёшга тўлган шахсларга берилиши белгилаб қўйилди.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун малака имтиҳонларини топиришга тегишли тоифадаги ҳайдовчилар тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурларида назарда тутилган ҳажмда тегишли тайёрликдан ўтган шахслар қўйилди.

Қонунда, шунингдек, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқининг бекор қилиниши тўғрисидаги шартлар ҳам киритилган. Жумладан, унга кўра ҳайдовчининг соғлиги транспорт воситасини хавфсиз бошқаришга монелик қиладиган тарзда ёмонлашганлиги тиббий ҳулоса билан тасдиқланганда, ҳайдовчи содир этилган ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганда, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан жавобгарлик чораси сифатида маҳрум этишга сабаб бўладиган ҳуқуқбузарликларнинг турлари қонун ҳужжатларида белгиланади. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш суд томонидан қўйиладиган.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий асосларни янада ривожлантириб, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, транспорт воситаларига эга бўлган корхона ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, фуқароларнинг йўлларда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш бўйича масъулиятини ошириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва уларда жабрланганларнинг сонини камайтиришга хизмат қиладиган. Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан қўзланган асосий мақсад хавфсизлигини таъминлашдир.

Сўхбатни Мансуржон РИХСИЕВ ёзиб олди

2013 йил — Обод турмуш йили

ОИЛАВИЙ КИТОБХОНЛИК БАЙРАМИ

Республика болалар кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда оилавий китобхонлик байрами ўтказилди.

Тадбирга Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчи ва ўқитувчилари, ота-оналар тақлиф этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод маънавиятини юксалтириш, билими ва дунёқарашини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида замонавий талабларга мос кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари барпо этилиб, замонавий жиҳозланмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, уларда миллий гуруҳ туйғусини шакллантириш, оила ва маҳаллаларда маънавий муҳитни янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Республика болалар кутубхонаси ҳамкорлигида турли ижодий лойиҳалар, ёзувчи ва шoirлар, олимлар билан жонли мулоқотлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

Китобхонлик байрамда билимдонлар танлови, ижодий викторина голиблари аниқланиб, эсдалик совғалари топширилди. Иштирокчиларга мазкур маърифат масканида йўлга қўйилган замонавий хизматлар, электрон китобхона ҳақида кенг маълумот берилди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

- Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Чирчик шаҳар СИБ томонидан № 2013 - сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. 1988 й. и/ч. «КамАЗ-5410», д/р. 11 АТ 295. Бошланғич баҳоси — 17 553 000 сўм. 2. 1987 й. и/ч. «Кавз-3270», д/р. 11 АВВ 701 сўм. Бошланғич баҳоси — 8 835 000 сўм. 3. 1995 й. и/ч. «Газ 31029», д/р. 11 АТ 140. Бошланғич баҳоси — 3 359 000 сўм. 4. 1996 й. и/ч. «Газ 31029», д/р. 11 АТ 141. Бошланғич баҳоси — 3 514 000 сўм. 5. 1994 й. и/ч. «Газ 31029», д/р. 11 АТ 140. Бошланғич баҳоси — 3 359 000 сўм. 6. 1987 й. и/ч. «Зил-130-431410», д/р. 11 АТ 294. Бошланғич баҳоси — 8 712 000 сўм. 7. 1988 й. и/ч. «Кран ЖДЗ» русумли ИНВ 7387, КЖДЭ-16, П-6969 бўлган темир йўл крани. Бошланғич баҳоси — 17 553 000 сўм. Чирчик шаҳар «Чирчиқшлюкмаш» заводига сақланмоқда. 8. № 929 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч. «Ваз 2106», д/р. 10 Р 354 ВА. Бошланғич баҳоси — 4 129 326 сўм. 9. № 4601 - сонли ижро ҳужжатига асосан «Шевролет Корсика», д/р. 01 У 049 ДА. Бошланғич баҳоси — 3 200 456 сўм. Чирчик шаҳар ИИББ ИПХ жарима майдончасида сақланмоқда. 10. № 4160 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч. «Москвич-412», д/р. 11 Т 5619. Бошланғич баҳоси — 658 987 сўм. «Зеромирлер» МЧЖда сақланмоқда. Олмазор тумани СИБ томонидан: 11. 12.06.2012 й. № 19628/17 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч. «Ваз 2103», д/р. 30 Е 5742. Бошланғич баҳоси — 2 105 904,91 сўм. 12. 03.11.2012 й. № 37667 - сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч. «Тойота Прадо», д/р. 30 С 2322. Бошланғич баҳоси — 90 250 000 сўм. «Себагор» жарима майдончасида сақланмоқда. Бектемир тумани СИБ томонидан: 13. 09.10.2012 й. № 8094/4 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1997 й. и/ч. «Мерседес Бенц-180 Е», д/р. 01 С 770 АА. Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 2 май кунли соат 11:00 да бўлиб ўтади. Бектемир тумани СИБ томонидан: 14. 22.01.2013 й. № 404/3 - сонли ижро ҳужжатига асосан 2012 й. и/ч. «Нексия Донс-150», д/р. 01 Х 036 КА. Бошланғич баҳоси — 32 691 900 сўм. Юнусобод тумани СИБ томонидан: 15. 13.12.2012 й. № 24656-58/22 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 33А-уйда жойлашган мол-мулклар. Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм. 16. 13.12.2012 й. № 24656-58/22 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Навоий кўчасида жойлашган Пиво ишлаб чиқариш ускунаси. Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 17 май кунли соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридagi автотранспорт воситалари ва мулклар 2013 йил 17 май кунли савдода сотилган тақрида, мазкур автотранспорт воситаларини ва мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 3 июни кунли бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва мулклар билан суд департаменти вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб таъиниш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020800004887305001, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги 8-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1998 йил 20 июлда Мирсултонов Баҳодир Хасанович номига берилган № 461044 рақамли шохдатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан жисмоний шахс Юсупов Юлдашжон Валиджанович номига Олмазор тумани, Уста Шириқ кўчаси, 124-уйдаги №57, 58-сонли дўконларга берилган реестр рақами 8-45/2009 бўлган Кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

САҲНАДА — БОЛАЖОНЛАР

Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида «Болажонлар — ширинтойлар» анъанавий болалар мода фестивали бўлиб ўтди.



Айю Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий либослар ва дизайн санъатини янада ривожлантириш, ёш модельерларнинг ижодий изланишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани миллий либослар тарихи, уларнинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини пухта ўрганиш, ёшларнинг бадий-эстетик дидини тўғри шакллантириш, модельерлар, расм ва дизайнерлар, қўли гул чеварларнинг ижодини халқимизга яқиндан таништиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ҳам қатор ижодий лойиҳалар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.

Анъанавий «Болажонлар — ширинтойлар» фестивалидан кўзланган асосий мақсад болалар либослари йўналишида изланаётган дизайнерлар меҳнатини рўёбга чиқариш, кичкинтойлар учун маҳаллий хом ашё асосида қўлай, бежирим, экология ва санитария талабларига жавоб берадиган кийим-кечаклар тайёрлашни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат. Ўтган вақт мобайнида ушбу фестивалда муваффақиятли иштирок этган ёш дизайнер ва модельерлар мода санъатининг етакчи мутахассислари иштирокидаги маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлиши билан бирга «Art Week.Style.uz» санъат ҳафталиги, «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали, «Келажак овози» республика кўрик-танлови каби ижодий лойиҳаларда ўз тўпламларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиб келмоқда.

Мазкур фестивалга тақдим этилган кўплаб ижодий ишлар малакали мутахассислар томонидан сараланиб, улардан либослари энг яхши деб топилган 40 нафар дизайнернинг коллекцияси «Болажонлар — ширинтойлар» лойиҳасига тақдим этилди. Айни пайтда икки ярим ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар маз-

кур фестивалда модель сифатида иштирок этиш имконига эга. Бу галги фестивалда олий ва ўрта махсус таълим масканларининг талабалари, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказлари, мода ва дизайн мактаблари, арт-студияларда ижод қилаётган модельерларнинг тўпламлари кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Аҳамиятли жиҳати — мазкур фестивалга тақдим этилган болалар либосларининг дастлабки намуналари кейинчалик мамлакатимиздаги тўқимачилик ва энгил саноат корхоналарида кенг миқёсда ишлаб чиқариш учун тавсия этилади.

Фестиваль қатнашчиларидан бири — 17 ёшли Мадина Қаландарова Республика рассомлик коллежининг либослар дизайни йўналиши бўйича 2-босқичда тахсил олади. У мактабгача таълим муассасаларида ўтказилган «Эрталик» тадбирлари, болалар байрамлари учун ўн тўрт кўйлақдан иборат тўпламини томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Ёш дизайнернинг айтишича, кийимларнинг бичими, тайёрлаш жараёнида матолар ва фасонларнинг ўзаро уйғунлигига, бир-бири билан мутаносиблигига алоҳида эътибор қаратилган. Чевар қиз тайёрлаган

кийимлар кўркамлиги билан бирга ортиқча ҳашамлардан холи экани билан ажралиб туради.

Розия Ирисмухаммадова — Шайхонтоҳур туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказининг дизайн тўғараги раҳбари. У мазкур фестивалда «Шарқ жилolari» тўплами билан қатнашди.

— Ўн беш хил кийимни ўзида мужассам этган либослар коллекцияда болаликнинг беғубор дунёсига мос тасвирларни акс эттиришга ҳаракат қилдим, — дейди Розия. — Бундай кўйлақларни байрам тадбирларида ҳам кийиш мумкин.

Икки кун давом этган фестивалда қатнашчилар томонидан тайёрланган болалар кийим-кечаклари тўпламлари мактаб либослари, кўчага кийиладиган кўйлақлар, байрамона кийимлар, авангард йўналиши, миллий услуб, қўл меҳнати асосида тайёрланган кийимлар, матога гул чизиш, замонавий, ихчам ва қўлай либослар каби номинациялар асосида баҳоланди. Либослар тўплами энг яхши деб топилган дизайнер ва модельерларга диплом ва совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

«Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик компанияси касаба уюшма кўмитаси томонидан ишчи-хизматчиларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, уларни спортга ошно этиш юзасидан турли-туман тадбирлар ўтказиб келинади.

Мусобақалар

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Бу гал кўмита ташаббуси билан корхонада фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида шахмат ва шашка бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муҳандис-технолог Анвар Файзиев шашка бўйича корхонанинг фахри ҳисобланади. У бирлашма томонидан ўтказиладиган мусобақалар, шунингдек, «Ўзметмашсаноат» марказий кенгаши спартакиадаларида доимий равишда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келади. Ушбу мусобақада ҳам Анвар Файзиевга тенг келадиганлар топилмади ва у голиблар сафини бошқарди.

Шахмат бўйича эса эркаклар ўртасида Михаил Чурилов биринчи ўринни эгаллади.

Шашка мусобақаларида энг ёш иштирокчи бўлса-да, фахрли иккинчи ўринни эгаллаган 93-цех ишчиси Оляя Соловьеванинг маҳоратини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Турнирнинг барча голибларини корхона касаба уюшмаси кўмитаси раиси Муҳаммадқарим Отахонов қўлаб, фахрий ёрликлар ва эсдалик совғаларини тўхта этди.

(Ўз мухбиримиз)

Маънавият

ЎҚУВЧИЛАРДА КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабидаги маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

кизиқиш уйғотди. Кўргазмадан 60 дан ортиқ турли жанрдаги рангтасвир асарлар ўрин олган бўлиб, улар орасида «Онам портрети», «Анор», «Шамоллар соҳили», «Ёмғирдан олдин», «Яшил водий» каби тасвирларда рассомнинг ички дунёси ҳамда кайфияти яққол намоён бўлганлигини сезиш қийин эмас. Ёш рассом ўз устозларидан маҳобатли рангтасвир, миниатюра йўналишлари

бўйича ижод сирларини пухта ўрганганлигига кўргазмадаги бадий ижод намуналари далил бўла олади.

Битирувчилар бу саёҳат орқали маънавият инсон ички дунёси, иродасини бакувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс кучга эга эканлигини яна бир бор ҳис қилди.

Дилором ХАЙДАРОВА,
300-мактаб ўқитувчиси

ТЕХНИК БИЛИМЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Шаҳримиздаги «Баркамол авлод» Республика болалар бадий ижодиёт марказида «Улугбек юлдузлари» номи Республика очиқ чемпионати ва кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Баркамол авлод» Республика болалар бадий ижодиёт маркази ташаббуси билан ўтказилган тадбирда «Ракетамодел» тўғарагининг 162 нафардан ортиқ аъзолари «Баркамол авлод» болалар марказлари, Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотлари аъзолари иштирок этишди.

Мазкур тадбирнинг асосий мақсади ўқувчи-ёшлар ўртасида техник спорт турларини ривожлантиришдан иборат.

— Республикамиз ҳудудидаги «Баркамол авлод» болалар бадий ижодиёт марказлари техник спорт турларини ривожлантириш борасида амалий ишлар олиб бориши каби устувор вазифаларини ўз олдидан мақсад қилиб қўйганлар, — дейди «Баркамол авлод» Республика болалар бадий ижодиёт марказининг раҳбари Зокир Товбоев. — Ушбу чемпионат нафақат фахр ва техника таълимини ривожлантириш, балки республиканинг турли ҳудудларидан келган ёшларнинг меҳнати самараларини ва кизиқишларини рағбатлантириш учун ҳам ўтказиб келинмоқда. Республика бўйича 611 та техник йўналишдаги тўғарақларга 14381 нафар ўқувчилар жалб этилган. Энг қувонарли томони шундаки, бизнинг чемпионатда қатнашиши истигани билдираётган ёшлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда.

Мусобақа давомида ёшлар тенгдошлари билан тажриба алмашишди ва уларнинг техник ишланмалари билан танишишди.

Иштирокчилар «Қанотли ракета моделлари нусхалари», «Илмий текширув космик аппаратларининг нусхалари», «Харбий ракета нусхаси тасма ёрдамида қўнадиган ракетамодел» каби йўналишлар бўйича беллашув

олиб боришди. Чемпионат ва кўргазма «Ракетамодел» спорти коидалари» асосида ўтказилди.

Очиқ ҳавода ўтказилган мусобақа давомида ўқувчи-ёшлар яратган ракеталарнинг юқоридаги тезлиги, парвоз давомидаги ҳисоблаб борилди.

— «Ракетамодел» тўғараги ўқувчи-ёшларнинг мактабдан ташқари таълим олишларини таъминлаш, ҳар бир боланинг эҳтиёжлари ва кизиқишларидан келиб чиққан ҳолда тўғарақнинг турли йўналишларига жалб этиш ва энг асосийси, касб тайёрлаганининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини шакллантириб бориш мақсадида фаолият юритади, — дейди «Баркамол авлод» Республика болалар бадий ижодиёт маркази «Ракетамодел» тўғарагининг раҳбари Алишер Усмонов. — Бундан ташқари, ёшларни республикамизнинг космонавтика техникаси соҳаси мутахассислигига тайёрловчи ушбу чемпионат барчада катта кизиқиш уйғота олади.

Яқуний натижаларга мувофиқ ушбу тўғарақ раҳбари ҳам «Энг яхши «Ракетамодел» тўғарагининг раҳбари» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди.

Кўтаринки руҳда ўтган мусобақада кўргазмага тақдим этилган ракеталарнинг кўриниши, ракета ҳақида оғзаки фикрини баён этиш маҳорати ҳамда ракеталарнинг техник тузилиши даражаларини текширилиб, баҳолаб борилди. Турли ёшдаги ракета моделлаштиришга ва макетлаштиришга қизиқувчи голиб иштирокчилардан Тимур Жўраев, Абдурашид Аҳмедовлар биринчи, Исмоил Баходиров, Шоҳжаҳон Усмоновлар иккинчи ўринларни эгаллашди.

Ҳамида УСМОНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Болани бошидан қаттиқ тутиш керак.

* * *

Вақтни асосий ишга сарфлаш керак.

* * *

Шижоат кишига куч бағишлайди.

* * *

Ҳар ким ўзидан келиб чиқиб гапирди.

* * *

Бировнинг иши бошқаларга осон туюлади.

* * *

Меҳнатда пишмаган мўрт бўлади.

* * *

Бирламчи таассурот кўпинча алдамчи бўлади.

* * *

Нодон душмандан баттар.

* * *

Жамиятга, атрофдагиларга керакли эканингни ҳис қилиб яшашдан ҳам ортиқ бахт борми?

* * *

Бор нарсани тан олиш керак.

* * *

Ҳамма нарсага улгура оладиган одамлар бахтли.

* * *

Душманга яхшилик қилсанг ҳам ёқангдан олади.

* * *

Ҳаёт — буюк муаллим: унинг сабоғидан баҳраманд бўлмаган кишига ҳар қандай таълим бекор.

* * *

Меъёридан ошган инсофсизлик — тубанлик.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 18 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳити зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яради. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Шарорат кечаси — 3-8 даражага, кундузи — 15-17 даражага иссиқ бўлади.



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12046 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Буюртма Г- 441

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.50